



# ТІВВІУТНОМА

TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI NASHRI

№ 01 2021 YIL 25 YANVAR



## АРМИЯ ВА ХАЛҚ – БИР ТАНУ БИР ЖОН

**Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида 14 январь – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 29 йиллигига бағишиланган байрам тадбири ноанъанавийлик касб этди.**

Иккى нуфузли олийгоҳ – Тошкент тиббиёт академияси ҳамда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти талаба-ёшлиларининг биргалиқдаги маънавий тадбири орқали жамиятимизда содир бўлаётган ўзгариш ва янгилинишлар, миллий армиямизнинг бугунги тимсолида акс этаётганилиги алоҳида ургу берилди.

Ватанпарвар ёшлар ташаббуси, хотин-қизлар фаоллиги, нуронийлар ибрати сингари таълимтарбия мезонларининг кенг жамоатчилик ҳаётига ўзгача шукух ва кўтарилик бағишилаётган олийжаноб ғоя – “Армия ва халқ – бир тану бир жон!” мазмунидаги табрик ва кутловлар тадбир

моҳияти ва мақсадини белгилаб берди.

Тошкент тиббиёт академияси ўқув ишлари бўйича проректори Шухрат Боймуродов ҳамда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти проректори Элдор Шермоновлар табригида мазкур тадбир орқали бирдамлик ва ҳамжиҳатликнинг тенгисиз тантанаси, Ватанга садоқатнинг энг олий неъмат эканлиги яна бир бор эътироф этилди.

Зеро, Ватан ҳимояси нафақат вазифамиз, балки барчамизнинг муқаддас ва шарафли бурчимиз ҳамmdir.

(Давоми 2-бетда.)

## МУРОЖААТНОМА – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Мамлакатимиз ҳалқи дунё аҳли учун таҳликали ва серташвиш келган 2020 йил якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмандони Шавкат Мирзиёевнинг Мурожаатномасини улкан бир қизиқиши ва катта мамнуният билан қарши олди.

Мухтарам Президентимиз ўз Мурожаатномаларида 2021 йилда юртимиз ҳаётининг барча жабҳаларини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва узлуксиз давом эттириш йўналишлари белгилаб берилди. Бу эса ўзгача бир шукух ва кўтариликни бахш этди.

Мурожаатномада юртимиз худудий яхлитлиги, ҳалқимизнинг тинч ва осоишига ҳаётини таъминлашга камарбаста, тоғдек қалқони бўлиб турган миллий армиямиз кўшинларида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, жанговар тайёргарлик сифатини янада ошириш, ижтимоий муҳофаза қилиш каби долзарб йўналишларга алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳақиқатан ҳам, ўтган йил давомида кўшинлар шахсий таркиби соғлигини сақлаш, ҳарбий хизматчилар, мудофаа вазирлиги фахрийлари, уларнинг оила аъзолари соғлигини сақлаш, ижтимоий таъминотини янада яхшилаш учун кенг кўламдаги ишлар амалга оширилди. Мана шундай тарихий воқеалардан бири – бу Тошкент тиббиёт академияси хузуридаги Ҳарбий-тиббиёт факультети негизида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академиясини ташкил этилганлигидир. Мурожаатномада Президентимиз: “Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойdevorини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улубеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган мухит ва шароитларни яратишмиз керак.

(Давоми 2-бетда.)

Ҳикмат



Қутқу солган билан дилингга шайтон,  
Ийоннинг эгаси қошингда Раҳмон.

Ҳикмат



## АРМИЯ ВА ХАЛҚ – БИР ТАНУ БИР ЖОН



(Давоми. Боши 1-бетда.)

Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги Ҳарбий-тиббиёт факультети курсантлари, бўлажак ҳарбий шифокорлар Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти талабалари томонидан ижро этилган бадиий-музиқий чиқишлар, байрам табриги сифатида тақдим этилган куй-кўшиқ, дилбар рақс ва театрлаштирилган саҳна асарларини мароқ билан томоша қилдилар.

Айниқса, байрам тадбирининг энг кичик иштирокчиси М.Улуғбек туманидаги 186-умумтаълим ўрта мактабнинг 3-синф ўқувчиси томонидан ижро этилган “Мендиранм уша” кўшиғи Тошкент тиббиёт академияси курсантлари ва иштирокчилар томонидан олқишилар билан қарши олинди.

Тошкент тиббиёт академияси Ҳарбий-тиббиёт факультети курсантларидан бири ижросида Ҳамид Олимжон қаламига мансуб “Жангчи Турсун” балладаси янгарани-да зални гулдурос қарсаклар тутди.



Ҳарбий-тиббиёт факультети талаба-ёшлари бўлажак ҳарбий шифокорларни санъаткор ёшлар самимий табриклирида она Ватан мадҳи тараннум этилди, юрт соғинчи, эл тинчлиги йўлида жонини фидо этган юртдошларимизнинг чексиз матонати куйга солинди. Ота-боболаримиздан мерос жасорат улуғланди. Сўзга чиққанлар келажақда ҳарбий врач касбини эгаллаб, сарҳадларимиз хавфисизлигини ҳимоя қилишдек шарафли йўлни танлаган ёшлар, аскар ва зобитлар, ҳарбийлар, миллий армиямиз посбонларига эзгу тилаклар билдирилар. Тадбирда иштирок этган Ҳарбий-тиббиёт факультети курсантларига Тошкент тиббиёт академияси томонидан қимматбаҳо совфалар топширилди.

**Тошкент тиббиёт академияси матбуот хизмати**

## МУРОЖААТНОМА – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚКИЁТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Бунда, аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий этитириш миллий ғоямизнинг асосий устувнлари бўлиб хизмат қилиши лозим. Ушбу мақсад йўлида ёшларимиз ўз олдига катта мэрраларни қўйиб, уларга эришишлари учун кенг имкониятлар яратиш ва ҳар томонлама кўмак бериш – барчамиз учун энг устувор вазифа бўлиши зарур. Шундагина фарзандларимиз халқимизнинг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқарадиган буюн ва қудратли кучга айланади”, деба таъкидлаб ўтилар.

Дарҳақиқат, биз ёш авлодни фақатгина илмий жиҳатдан салоҳиятли эмас, балки дунё тарихи ва ўз миллий тарихини яхши

биладиган, тарих сабоқларидан тўғри хуносалар чиқара оладиган, мустақиллик ғоялари мазмун ва моҳиятини теран англаб етган, Ватанга муҳаббат руҳи қон-қонига сингиб кетган, ҳақиқий ватанпарвар, мард ва ҳар томонлама юксак дунёқарашга эга бўлган комил инсонлар килиб тарбияламомиз лозим.

Ўтган 2020 йилда ҳарбий-тиббиёт ходимларининг тинимсиз файрати ва фидокорлиги туфайли шахсий тарқиб орасида коронавирус пандемиясини кенг тарқалишига йўл қўйилмади. Бу эса пандемия шароитида ҳам ҳарбий хизматчиларимизни ўз бурч ва мажбуриятларини чин дилдан бажаришлиши учун етарли шароит яратиб берилгани демақдир.

Жўмладан, Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги Ҳарбий-тиббиёт факультети

офицер, сержантлари ва хизматчилари ҳам масъулиятли бир даврда, ўз бурчларига содик қолиб, кўринмас бало билан мардонавор курашдилар. Ҳарбий-тиббиёт факультети жамоаси шаҳардаги кўпгина таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлик ўрнатган. Шунга қўра ҳар бир кафедрага мактаблар, мактабгача таълим муассасалари бириктирилган. Шу асосда факультет офицер ва хизматчилари “Мардлик ва жасорат”, “Армия ва ёшлар”, “Мард ва садоқатли ватанпарварларни тарбиялаш мактабдан бошланади”, “Армия – ёшлар нигоҳида” мавзуларида ўтказилаётган маънавий тадбирларда фаол қатнашиб келмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ташкил этилганинг 29 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан “Ким Ватанга содик бўлса мендиранм уша!” деган устувор ғоя асосида ташкил этилган “Ватанпарварлик ойлиги” тадбирлари факультетда кўтарикин руҳда ўтказилди.

**С.ЯРАШЕВ,  
ТТА ҳузуридаги ҲТФ ҳарбий  
гигиена ва эпидемиология кафедраси  
катта ўқитувчиси**

Хизмат



Савобни мисқоллаб тўплайди инсон,  
Лек гуноҳни қўлга киритар осон.

Хизмат



**Президент Шавкат Мирзиёев раислигидаги маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича видеоселектор йигилишида наинки соҳа вакиллари, балки бутун жамият олдига бугунги таҳликали даврда ёшларнинг маънавий тарбияси бўйича аниқ вазифаларни қўйди.**

Бу ифилиш қатнашчиларининг фикр-мулоҳазаларида ҳам ўз ифодасини топмоқда.

**Минхажиддин Ҳожиматов, Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари:**

– Мамлакатимиз ҳаётида тарихий бир воқеа бўлди. Давлатимиз раҳбари бир фикрни айтдилар. Жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони, руҳи маънавиятдир. Чунки маънавий асосларсиз, маънавий негизларсиз, маънавий қадрияларсиз маънавий-миллӣ руҳсиз ҳеч бир давлат ўзининг юксак мақсадларига эриша олмайди. Агар биз боболаримиз яратган иккита Ренессанснинг асосига назар ташлайдиган бўлслак, иккаласида ҳам ўша иқтисодий ривожланиш билан руҳий ривожланиш уйғулнинг кўрамиз. Давлатимиз раҳбари бугун бизга янги тизимни кўрсатиб берди. Бу қандай бўлади, бу қандай ишлайди ва бу ишларни қандай ташкил қиласиз, унинг молиявий жиҳатлари, молиявий асослари қандай бўлади? Республика Маънавият ва маърифат маркази фаолиятини тубдан танқидий, таҳлилий кўриб чиқсан ҳолда уни такомиллаштириб, мамлакатимизда Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг ижро, мувофиқлаштириш, устувор йўналишларини белгилаш борасида бош мусассаса сифатида белгиланиши жуда катта эътибор, катта ваколат ва шу билан бирга жуда катта масъулиятдир. Давлат раҳбарининг ташаббуси билан янги Иктиомий-маънавий тадқиқотлар инститuti ташкил қилинганпти. Бу институтга энг кучли, ҳам ватанпарвар, юксак салоҳиятли, шу соҳада иктиомий-маънавий мухитни таҳлил қила оладиган, унга баҳо бера оладиган, прогноз қила оладиган ва устувор йўналишларни, вазифаларни белгилаш салоҳиятига эга бўлган профессор-ўқитувчилар, ёш олимларни жалб этиш ва жамиятдаги маънавий-маърифий ишларни ташкил қилишда шунчаки тадбирлар уюштириш эмас, аввало, ҳар бир худуднинг ўзига хос жиҳатлари, ўзига хос хусусиятлари, керак бўлса, муаммолари, оғриқларидан келиб чиқсан ҳолда аввало таҳлил қилиш, ташхис кўйиш ва ана шу асосда маънавий-маърифий ишларни ташкил қилишга эътибор қаратилиди. Биз шу пайтагча сабаб билан эмас, оқибат билан курашиб келдик. Чунки илм бўлмаган жойда шундай ёндашув бўлади. Ана энди сабабини аниқлайдиган бўлслак, албатта, қилган ишимиш оқибатида самара бўлади, натижা бўлади.

**Азamat Зиё, Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих инститuti директори:**

– Президентимиз айтдиларки, тарихий изланишларда тарихий қонуниятлар билан боғлиқ бўлган таҳлил йўқ. Энг мухими, тарихий фаолиятда миллӣ руҳ етишмайди. Бу аччик, лекин айни ҳақиқат. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси тарих фанини ривожлантиришнинг 2030 йилгача бўлган концепциясини ишлаб чиқиш топширигини бердилар. Ҳеч муболагасиз айтиш мумкинки, бу кун ўзбек замонавий тарихчилик мактаби туғилган кун бўлди. Йигилища таълим муассасаларида тарих фанини ўқитиши тубдан яхшилаш масаласи қўйилди. Бу ҳам жуда мухим. Чунки маънавий-маърифий ишларни йўлга кўйишида тарихий мероссиз, тарихий тафаккурсиз ҳеч нарсага эриша олмаймиз. Ишончим комилки, тарихчиларимиз, олимларимиз, ўқитувчиларимиз видеоселекторда давла-

жавоб топиш қийин. Давлатимиз раҳбари бу масалага ҳам илмий ёндашиш мұхимлигини таъкидлади. Чунки ҳеч ким шу пайтагча бу масалага илмий ёндашмаган. Videoselectorда маънавий-маърифий тарбияни, бу соҳага таалуқли масалаларни ахолига кенгроқ етказиб бериш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди. Бу бўйича муттасил иш олиб бориш керак бўлади.

**Содикжон Турдиев, "Нуроний" фонди бошқарувчи раиси:**

– Илгарилари маънавият-маърифат соҳасида давлат ва жамоат ташкилотлари уртасида ҳамкорлик йўқ эди. Эндиликда Президентимиз бунга имкон яратиб бердилар. Маънавий-маърифий ишлар бўйича мутлақо янгича тизим яратилмоқда. Биз нуронийларнинг олдига ҳам ёшларни Ватанга содик, миллӣ ва умуминсоний қадриятларни эъзозлайдиган, ташаббускор, меҳнатсевар этиб тарбиялаш бўйича катта вазифалар кўйилди. Биз

– нуронийлар катта кучмиз. Мамлакатимизда уч миллион нафарга яқин нуроний бор. Вазифамиз ҳар бир маҳалладан ижтимоий фаол, маънавиятли, бугунги исплоҳотларга ҳайриҳох бўлган, ортидан одамларни эргаштира оладиган, замонавий фикрлайдиган нуронийлар рўйхатини шакллантириб, жойларда ишларни бошлаб юборишдан иборат. Президентимиз айтганидек, жойларда ҳар бир нуронийга беш нафар ёш биринтирилади. Ёшларни билимли, маънавиятли, ўз юртига садоқатли этиб тарбиялаш бизнинг вазифамизидир.

**Эшқобил Шукур, "Маънавий ҳаёт" журналининг бош мұхаррири:**

– Бизнинг маънавий ҳаётимизда янги давр, янги бир босқич бошланиши керак. Ана шу янги босқич Ватанимизнинг эртанинг куни, миллатимизнинг келажагини белгилаб беради. Энг мухими, зиёлиларимиз бунда етаки кучга айланishi керак. Замон жуда ўзариги кетди, унинг шитоби жуда тез. Ҳаёт катта шиддат билан давом этмоқда. Энди замоннинг талабига мос, шунга хос, шунга жавоб бера оладиган, забтига бардош бера оладиган воситаларни ишлаб чиқиши керак. "Маънавий ҳаёт", "Taфаккур", "Жаҳон адабиёти", "Шарқ юлдузи" журналларига алоҳида эътибор қаратиш, уларни мактаблар, олий ўқув юртлари, ёшларга етказишига оид фикрлар бизни жуда тўлқинлантириб юборди. Мухими, бу эътиборга муносиб жавоб бера олиш керак.

ЎЗА

## МАЪНАВИЙ ҲАЁТИМИЗДА ЯНГИ БОСҚИЧ

тимиз раҳбари томонидан қўйилган вазифаларни юксак даражада таъминлаш учун қаттиқ бел боғлаймиз ва уларни амалга оширамиз.

**Шерзод Шерматов, ҳалқ таълими вазири:**

– Маънавият масаласи барчамиз учун ҳаёт-мамот масаласи эканини Президентимиз алоҳида таъкидлади. Айниқса, мактаблар учун зиёлилардан иборат қўшимча штат ажратиш масаласи қўйилдикни, булар мактаб жамоасига, ўқувчиларга ҳам маънавий тарбия бўйича ўзининг ҳиссасини қўшади.

Видеоселекторда катта вазифалар қўйилди. Бунда биринчидан, наинки штатга тегишли одамларни олиш, балки ягона методика яратиш мухим. Чунки бутун республика бўйича маънавий-маърифий ишлар қандай бўлиши, бу йўналишда нималарга эътибор бериси кераклиги айнан шу методология билан узвий боғлиқ. Мактаб соҳасидаги исплоҳотларда мухим вазифа турибиди, бу ўқувчиларга замонавий билим бериси масаласидир. Бунда дунёдаги эн зур китоблар, методологияни келтириб ҳам ўргатиш мумкин. Лекин Президентимиз таъкидлаганидек, олим бўлиш мумкин, лекин ҳақиқиҳи яхши инсон бўлишдек мураккаб масалага



**“Бугунги мураккаб шароитда, юртимизда бошланган кенг қамровли ислоҳотлар, янги Ўзбекистонни барпо этиш сари ташлаётган дадил қадамларимизнинг бардавом бўлишини таъминлаш энг асосий вазифамиз бўлиши шарт”.**

Мұхтарим Президенттік мінистр Мурожаатномада ўттага күйилгап устувор вазифалар бўйича парламенттимиз, сиёсий партиялар, нодавлат ташкилотлар, кўпни кўрган нуруонийларимиз, ташаббускор ёшпаримиз — кенг жамоатчиликка катта ишонч билдириб:

“Янги йилда янада катта сафарбарлик руҳида ишламизига тӯғри келади” деган сўзлари бир асрлик катта тарихий тажрибага эга Тошкент тиббиёт академия-мизнинг бундан кейинги иммий-педагогик фаолиятида янги, истиқболли режаларнинг белгилаб олинишига туртки бўлмоқда.

Мурожаатномани эшитган ҳар бир юртдошимиз бугун оқилона сиёсат билан олиб борилаётган истиқболли ислоҳотларнинг қайноқ жараёнида эканлигидан фахрлангани шубҳасиз. Бирок, мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, биз бажарилган ишларимиз билан турурланиб, эртанги масъулиятли вазифалар олдиғаги хүшёрликни йўқотмаслигимиз керак. Тинчлик-осойишталик, миллатларо тутувлик, бағрикенглик ва меҳр-оқибат мухити ҳукм сурاءтган жамиятимизнинг кейинги тақдирига бефарқ бўлмаслик учун, "Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшиயлик!" деган ягона мақсад атрофида бирлашиб, масъулият ва жавобгарликни чуқур ҳис этмоғимиз лозим.

Мурожаатномада жамиятимизнинг барча соҳалари қатори фан ва таълим, ёшлар сиёсати, айниқса тиббиёт йўналишидаги янгича қараш ва инновацион лойихаларга катта умид билдирилди. Рақамли тиббиётнинг кенг камровли имкониятларини амалиётга жорий этиб бориша-да илм ва тафаккур билан иш тутиш лозимлиги айтилди. Янги йилдан физика ва чет тиллари йўналишини замон талаблари даражасига кўтариб, ҳар бир соҳада бу

ики йұналиш доирасыда катта ўзғарышлар қилиш борасыда аниқ тақлифлар берилди. Ахолига малакали тиббий хизмат күрсатын, аввало ёшларга замонавий билим беріб, келажак тиббиёти йұлида мұстақам интеллектуалт пойдевор яратылышдан бошланади.

2020 йилда мамлакатимиз қонунчилигида тиббиёт соҳасига оид қабул қилинган бир қатор тарихий қарор ва қарор ости хужжатларини ҳаракатга келтириб, одамлар ҳаёти ва тақдирида акс эттириш учун барча куч ва салоҳитимизни ишга солишимиз зарурлиги айтилди.

Президентимиз таъ-  
кидлаганидек, демокра-  
тик ислоҳотлар йўлидаги  
мақсадларимизга олиб бора-

риш орқали эришиш мумкин.

2021 йилдан клиник ординатура ва магистратура дастурлари янги форматга ўтади. Докторлик ҳимояси иши олий таълим муассасалари ихтиёрига ўтказилиб, бу борода жаҳон тажрибаси кулайликлари яратилид. Мурожаатномада олий таълим тизимиға илғор ҳалқаро тажрибани чукурроқ олиб кириш вазифаси топширилди.

2021 йилдан Тошкент тиббиёт академиясида ташхислов ва даволаш ишларининг самарали усулларини жорий этиш мақсадида Корея, Хиндистон, Франция, Россия ва бошқа мамлакатларнинг етакчи профессор-ўқитувчилари, клиник ординаторлари ва шифокорларининг махорат

авлодини шакллантириш мақсадида физика ва чет тилларини ўқитишни чуқурлаштириш мақсадида ТТА қошида Сеченов университети билан ҳамкорликда яратиладиган махсус “Тиббиёт келажаги” дастур асосидаги лойихалар замонавий талаблар босқичига олибчикилади.

Қозон давлат тиббиёт университети билан «Даволаш иши» йұналишида күшма таълим дастури айниңса, хорижий профессор педагогларнинг академия ўқыу жараённан янада күпрөк жалб этиш чораларини күриб, бу борадаги хорижий ҳамкорлик кучайтирилади.

Тошкент тиббиёт академияси Университеттага айлантирилиб, янги йўналишлар бўйича етук мутахассислар тайёрланади. Педиатрия, фармацевтика, стоматология, врачлар малакасини ошириш ва магистратура йўналиши, шунингдек, докторлик химояси бўйича мустақил илмий кенгашлар фаолияти йўлга кўйилади.

Бу мақсадларга бирёздан бош чиқариб, бир-бирини кўллаб-кувватлаган халқ виждан амри, Ватангага садоқатини намоён этган ҳалол меҳнати эвазига эришиши мумкин. Ҳаётимизнинг турили соҳаларидаги муаммо ва камчиликлар, йўлимида каттағов бўлиб турган тўсиқларни бартараф этиш учун бирлашиб, кенгашиб, муаммоларнинг катта кичигига қараб эмас, мухимлик даражасини иnobатга олиб астайдил харакат қиласетган шундай шижаоткор халқ сафида бўлмоқ ҳар бир юртошимиз сингари Тошкент тиббиёт академияси жамоаси учун ҳам катта шарадафдир.

## Тошкент тиббиёт академияси матбуот хизмати

# БУ САФДА БЎЛИШ ШАРАФДИР...

диган йүл осон эмас, аксинача кийин ва мураккаб. Бирок, азалдан ҳамжиҳатлик билан асрий орзуларини рӯёбга чиқариб келаётган қудратли халқимиз бошлаб кўйган ишини чала ташлаб, ҳеч қажон ортга қайтмаслигини ўтиб бораётган синовли кунлардаги жасорати мисолида яна бир бор исботлаб берди.

Шаксиз, янги йилда ҳам олдинга, фақат олдинга қараб интиlamиз. Чунки буғунги халқимиз кечаги халқ эмас. Буғунги Ўзбекистон ҳам кечаги Ўзбекистон эмас. Агар таъбир жоиз бўлса, буғунги тиббиёт, кечаги тиббиёт, буғунги врач эса кечаги шифокор эмас.

Аҳолига, шу жумладан, болалар ва аёлларга кўрсатилётган тибий хизмат даражасини бугунги замонаталабига олиб чиқишига шифорклар, клиник ординатура ва магистратура битирувчилари тайёрлаш сифатини оширишади.

дарслари, маърузаларини амалиётта жорий этиш янада такомиллаштирилади. Ёш мутахассислар, бакалавр ва магистрларнинг Корея, Руминия, Австрия, Чехия, Италия, Германия каби давлатларининг етакчи клиникаларида манака ошириш имкониятлари кенгаяди. Ўқув жараёнига инновацион усулларни жалб этишинни давом эттирган ҳолда, Корея Республикаси Корё университети билан ҳамкорликда яна янги тадқиқот лабораториялари, Корея соғлиқини сақлаш саноатини ривожлантириш институти (KHIDI) билан ҳамкорликда Ҳалқ табобати марказларининг янги бўлимлари, И.М.Сеченов номли биринчи Москва давлат тиббиёт университети билан ҳамкорликда Олий таълим мусассасаларо марказларининг кўшимча йўналишлар очилади.

## Шифокорларнинг янги



## ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИННИГ 100 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНАДИ

**Азиз юртдошим, сизу бизнинг бу ёруғ дунёга келишимиз шунчаки тасодиф эмас. Ҳар биримиз қайсиdir вазифани бажариш учун туғилганимиз рост ва яна шу ҳақиқатки, ҳар биримиз ҳаёт ва меҳнат фаолиятимиз давомида бир-биримизга узвий боғлиқмиз.**

Мазкур кўринмас риштани англаш ва тушуниш баҳтини хис этиш учун биздан талаб этиладигани битта. Бир-биримизга ишониш, бирордаримизни кўллаш, ширин сўз ва пок ниятларимизни ээзгу амаллар йўлида сарфлаш.

Инсон соглиги ва ҳимояси йўлида қасамёд қабул қилиб,

машақатли ва шарафли юкни елкасига ортган тиббиёт фидойиларини "ЕРДАГИ ФАРИШТАЛАР"га қиёслаймиз. Бу бежиз эмас. Ана шуларни инобатга олиб Тошкент тиббиёт академиясининг махсус веб-сайтида устоз-шифокорлар, тиббиёт илми ривожига улкан ҳисса кўшган соглиқни

сақлаш фидойилари ҳақидаги очерк ва мақолаларни чоп этиб бориша жазм эдик.

Бир асрлик тарих зарварақларидан муносиб ўрин эгаллаган, мухими одамлар қалбига эзгулик нурларини олиб кира олган фахрий шифокорлар, тиббиёт илмининг билим-

донлари, профессор ва ўқитувчилар, академик олимларни агар таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистоннинг маънавий миллиардерларига қиёслаш мумкин. Дунёда тенги йўқ бойлик – юксак маънавият эгалари, билгани меҳнат, танигани савоб, шериги иймон, суюнгани виждан, ишонгани Раҳмон уларнинг. Гарчанд Сиз уларни кўрмаган бўлсангиз-да, камтарлиги отангизга, ҳокисорлиги онанизга ўхшаб кетадиган "Яхши одам"лар билан танишинг.

Хаётнинг буюрганига лаббай деб жавоб бера олганларни тақдир ҳам куруқ қўймайди. Ўзининг мукофотлари билан сийлайди. Қабиласини ёғийлардан халос этган афсонавий Тўмарис, тулпор миниб ёвуз хон зулмига қарши юрган довюрак Ойгул, ор-номусини қалқон билиб, юрт шаънини ҳимоя қилган Гулойим ва бошқалар бунга ёрқин мисолдир.

Гап урушда қатнашган шинелли аёллар ҳақида кетар экан, Муқаддам Ашрапова бу муборак номларнинг биринчи қаторидагилардан эди.

М.Ашрапова 1919 йили маънавият ва маърифатни ҳар қандай неъмат-

дан устун билган оилада таваллуд топди. Ёшлигидан фаҳм-фаросатли, ўткир зеҳнли Муқаддамхон тиришқоқ ва меҳнаткашлiği боис 1936 йили ТТАни аъло баҳолар билан тамомлади. 1941-1942 йилларда маҳаллий аҳоли орасида тарқалган ич терлама, безгак касаллигига

чалинган беморларни даволашда жонбозлик кўрсатди. 1943 йилнинг февраль ойида эркаклар қатори урушга кетиб, жангтоҳларда малакали жарроҳ сифатида кунига 200 га яқин операцияларни амалга ошириб Ватанига муносиб хизмат қилди.

Бир зум ўтмай осмондан,  
Гўё тушди "малак"лар.  
Ортда қолди... одамлар...  
Айтиб дуо, тилаклар...  
Отахонни кутгандай,  
Шифохона шай эди...  
Бироқ юрак тўхтади...  
Билмам қайси пайт эди,  
Тизза букиб, тиз чўкиб.  
Доктор тинмай сўрарди,  
...Туни бўйи олишдим,  
Ажал билан, қон билан.  
Ё Роббим, раҳм этгин,  
Ер тўймас шу жон билан...  
Ўғли олисда экан,  
Қизин кўзи ёрибди...  
Шўрлик ота набирам,  
Кўрай деб йўл олибди...

Менинг қўлим калтадир,  
Сенинг буйруғинг узун.  
Ялинаман бандангга,  
Жон ато эт шу бугун...  
Тонг ёриши, янги кун,  
Ташвишлари бошланди.  
Ё Раб... бу не мўъжиза,  
Доктор кўзи ёшланди...  
Ҳайратидан ҳайқириб,  
Беморин кучиб олди...  
Энди ота пичирлаб,  
Яратганга ёлворди...  
Таъзим, минг бора таъзим,  
Шифокоринг корига.  
Шукроналар Аллоҳим,  
Докторларинг борига...

Гулчехра МИРЗАЕВА,  
Тошкент тиббиёт академияси  
матбуот котиби

## ОҚЛИБОСЛИ ФАРИШТА

Одам тўла кўчада,  
Бир-бираига бегона.  
Бирор ўйчан, бирор шод,  
Кимдир ишқдан "девона".  
Юриб борар барчаси,  
Катта йўл ёқасидан.  
Учиб келиб машина,  
Туртди чол орқасидан.  
Гўё чинор қулади,  
Ернинг бағри эзилди.  
Тинчи бузилиб элнинг,  
Тўрт томонга югурди...  
Кўзин очолмай аранг,  
Ҳансираиди шўрлик чол.  
Бошда тумонат одам,  
Хол сўрашга тиллар лоп...

*Ишим касод бўлди, дегандан кўра,  
Сен Ҳақдан ишингга рўшинолик сўра.*



## УНУТИЛМАС ЯХШИЛАР ОЛДИДАГИ ҚАРЗ

**Ҳадиси шарифларда "Яхшиликни чөхраси очик, хушрүй одамлардан изланг", дейилди. Устози комил Ҳамид Каримовнинг ўтган 80 йиллик умри ҳам шундай саҳифаларга жуда бойлиги, фаолияти серқирра эканлигидан далолат беради.**

Академик Ҳамид Ёкубович Каримов 1941 йилнинг 7 январида Тошкент азимда таваллуд топган. У 1958 йилда мактабни оптин медаль билан битириб, Тошкент Давлат Тиббиёт институтининг даволаш факультетига ўқишга кирди. Табиатан кенг фикрлаш, кўз олдида кечётган жараёнларни чукур таҳлил қилишга одатланган Ҳ.Каримов институтни имтиёзли тамомлагач тиббиёт оламида "тиббиёт фалсафаси" номи билан маълум патологик физиология фанини янада мукаммалроқ ўрганиш мақсадида фаолиятини ушбу кафедрада давом эттириди. 1964-1966 йилларда тадқиқотчи-стажёр, 1966-1969 йилларда эса аспирант сифатида тинмай илим сирларини ўрганди. Бу даврларда Ҳамид Каримов фундаментал фаннинг кўзга кўринган намоёндадаридан бири М.Н.Ханиндан илм-фанга фидойиликни, зиёли учун хос бўлган барча яхши хислатларни ўзида мужассамлантиришга интилди, билим доирасини тинмай кенгайтириб борди. Тинимиз изланишлар натижасида 1969 йилда жигар томирларидан ўтувчи қоннинг газ таркибини ўрганиш, токсик гепатитларида унинг ўзғарышларини аниқлашга бағишиланган номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Талабаларга сабоқ бера бошлади. Унга мустакил ҳаётга йўлланма берган патофизиология кафедрасида ассистент (1969-1971 йиллар), доцент (1971-1977 йиллар) лавозимларда ишлади. 1977 йилда Гвинея Республикаси номинацияни ишга йўллантиришга мурасимларни таълимни ўқори эктиёжи тақозоси билан Ўзбекистоннинг вакили сифатида Гвинея Университетига ишга йўлланди. У ерда табиий фанлар кафедрасига раҳбарлик қилди. Талабаларга таълим бериш билан бир қаторда қисқа вақт ичida тиббий-биологик фанлар бўйича француз тилида 4 дарслик ва ўкув кўйламаларини яратди, бир неча ўнлаб битириувиларнинг илмий ишларига раҳбарлик қилди. Бу йиллар мобайнида талабаларга таълим бериш, жамоат ишларида фаол иштирок этиш билан бир қаторда илмий изланишларни ҳам давом эттириди. Шу мақсадда Ҳ.Каримов ўз таътилларини Москва шаҳридаги Тиббиёт Фанлар Академиясини Умумий патология ва патофизиология илмий текшириш институтида ўтказди. Ҳ.Каримов жигар тажриба шароитида турили токсикантлар таъсирида шикастланганида рўй берадиган функционал-метаболик ва микрочиркулятор ўзғарышларни баттафсиз ўрганишга бағишиланган докторлик диссертациясини якунлади ва уни 1979 йилда муваффақият билан ҳимоя қилди. Бу ютукларини Ҳамид Ёкубович машхур олим М.Н.Ханин билан бир қаторда Республиkaning кўзга кўринган фан намоёндадари – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан

арбоблари, профессор Н.Абдуллаев ва академик К.Зуфаров номлари билан боғлаб, уларни устози сифатида хотиралайди. Ҳимоядан кейинги бутун фаолиятини Ҳ.Каримов Тошкент Давлат тиббиёт институтининг равнақига баҳшида этиди: 1979-1990 йиллар мобайнида кафедра профессори, Халқаро алоқалар бўйича институт проректори лавозимида ишлади. 1989-1990 йилларда у институт марказий илмий-текшириш лабораториясига раҳбарлик килди. У қандай лавозимда ишламасин ҳамкаслари ва талабалар дардларига ҳамдard ва шу билан бирга талабчан раҳбар сифатида таниди. Замонавий раҳбар учун хос бўлган барча ижобий сифатларни ўзида мужассам қилган Ҳ.Каримов Тошкент Давлат иккинчи тиббиёт институти ташкил этилган вақт – 1990 йилдан 2004 йилгача ректорлик лавозимида ишлади. Бу йиллар институт ҳаётининг барча жабхаларида салмоқли муваффақиятлар кўлга киритилди. Бу ютуқлар нафақат институт ходимлари, балки АҚШ, Буюк Британия, Германия, Голландия, Испания, Россия, Туркия, Финляндия каби ривожланган давлатларнинг илм ва тиббиёт аҳли томонидан ҳам эътироф этилди. Тиббий фанларнинг турли соҳаларида олиб борилган изланишлар Ҳ.Каримовда организмда кечувчи барча жараёнларни бир-бира боғлик ҳолда ўрганиши лозимлиги фикрни ўйтотди. Бу муваффақиятлар раҳбарлигига ҳимоя килинган 57 докторлик ва 114 номзодлик диссертацияларида, 450 тадан ортиқ илмий мақолаларида, 28 та монография, 37 та дарслик ва ўкув кўйламаларида, 22 та ихтиrodia аксини топди. У АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Дания, Россия давлатларда бўлиб ўтган нуфузли илмий анжуманларда иштирок этиди.

2005 йилда Ҳ.Каримовни гематология ва қон қўйиш илмий-текшириш институтига директор қилиб тайинланди. Айнан шу даврдан Республикаиз тиббиётининг бу соҳасида янгилиниш даври бошланди. Беморларга гематологик ёрдам кўрсатишни яхшилаш мақсадида жаҳон стандартларига мос келадиган 80-юнини ихтисослаштирилган Онкогематология Маркази биноси курилди. Республикада гематология ва қон хизмати тизимининг узлуксиз ишлаб туришини таъминловчи хужжатлари ишлаб чиқилди, асосий гематологик касалликларни ташхислаш ва даволаш стандартлари, беғараз дононлики ёшлар орасида ривожлантириш дастури, дононлик қонининг хавфсизлигини таъминлаш каби ишлар амалга оширилди, биринчи бўлиб жаҳон стандартларига жавоб берга оладиган молекуляр генетика лабораторияси ташкил



етилиб, замонавий асбоб ускуналар билан таъминланди.

У ўзининг илмий, педагогик ва ижтимоий-сиёсий салоҳиятини тиббиёт олими учун жуда кутимаган кўринадиган бошқа соҳа – жамоат инсонпарварлик ташкилотининг раҳбари сифатида ёрkin намоён этишга муваффак бўлди.

Ўзга инсонга наф кептирамасдан бу дунёда рўшнолик кўриш мушкул вазифа. Забардаст олим, мурувватли устоз, узокни кўра билувчи раҳбар, одамлар дарди билан яшовчи инсон Ҳамид Каримов 80 ёшлик тўйларини ижодий кўтарниклик руҳида, илмий ва жамоатчилик фаолиятида янги марраларини кўзлаган ҳолда, эзгу ниятлар билан кутиб олмоқда.

Ҳамид Ёкубович қайси жабхада фаолият юритмасин қабулига бирор илтимос билан кирган кимсанни хоҳ у оддий фаррош бўлсин, хоҳ у чилангар бўлсин, хоҳ у изланувчи ёхуд аспирант хоҳ у профессор бўлсин албатта шу инсонларга кўлидан келган барча яхшиликларни қилиб келдилар ва келмоқдалар. Бир сўз билан айтганда эл-юрт дуосини олиб, муборак ёшларини нишонломоқдалар.

Одамларга меҳр кўрсатиб, ўзи танлаган шифокорлик касбини улуғлаб иззат-хурмат топган катта бир оилани меҳрибон отаси, шириндан-шакар невара ва эвараларнинг суюкли бобоси Ҳамид Каримовга самимий изҳорларимизни мухтасар қиласар эканмиз у кишига узок умр, мустаҳкам соглиғи, эзгу ва савобли фаолиятларида омад, фарзандлари, невара-эвараларини баҳти ва камолини узок йиллар кўриб юришларини Яратгандан сўраймиз. Азиз устозимиз шаъниларига билдирилган тиляқларимизни ҳам бисёр. Насиб этаҳа бу изҳорларимизни Ҳамид Каримов тўқсон билан тўқнашиб, юз билан юзлашганларида албатта айтажакмиз.

**Алижон ЗОҲИДӢ,**  
Халқаро Экология и здоровье человека  
академияси академиги,  
Кутбиддин НИЗОМОВ,  
Республика Соғлиқни сақлаш  
аълоччиси



## ҲАРБИЙ-ТИББИЁТ ИСТИҚБОЛИДАГИ МУҲИМ ҚАРОР

**Ўзбекистон Республикаси  
Мудофаа вазирлиги Марказий  
ҳарбий клиник госпиталининг  
академия учун асосий ўқув  
ва клиник марказ этиб  
белгиланиши госпиталда  
даволанаётган беморларга,  
яъни ҳарбий хизматчилар,  
уларнинг оила аъзолари ва  
фуқароларга илмий асосланган  
тиббий ёрдам кўрсатилиши ва  
истиқболда бу ёрдамнинг сифат  
жихатидан бир неча поғонага  
кўтарилишини таъминлайди.**

Республикамиздаги бошқа тиббий таълим муассасаларини битирган тиббиёт ходимларини тўлов контракт асосида қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мақсади Ўзбекистон Республикаси Президентининг тарихийлик аҳамиятига эга яна бир қарори қабул қилинишига сабаб бўлди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2020 йил 22 октябрь куни “Ҳарбий тиббиёт соҳасида кадрлар тайёрлашнинг сифат жихатидан янги тизимини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарорнинг имзолангани юқоридаги фикрларнинг исботидир.

Ҳарбий тиббиёт соҳаси бўйича кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва бу йўналишда илмий тадқиқотлар олиб бориш ва амалиётга жорий этиш ҳарбий тиббиётнинг илғор тажрибаларини мутахассисларга етказиш ва соғлиқни сақлаш тизими билан узвий фаолият кўлами янада кенгайдиган бўлди.

Бундан ташқари, ҳукуматлараро битим ва шартномалар асосида хорижий давлатлар учун тиббиёт кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга имкон яратади.

Ушбу қарор мамлакат ҳарбий тиббиёт соҳаси ходимларининг ушалган орзузи, десак асло муболага бўлмайди ва бу Ўзбекистон ҳарбий тиббиёт ходимларини ўзларига билдирилган юқсак ишончни шижаот ва садоқат билан оқлашга ундейди. Ишонч билан айтиш мумкинки, ҳар бир ҳарбий тиббиёт ходими халқига, Президентига садоқат билан хизмат қилади.

**Обиджон АҲМЕДОВ,  
Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги  
Ҳарбий-тиббиёт факултети бошлиги**

**Мамлакатимиз Президентининг  
Олий Мажлис ва халқимизга йўллаган  
Мурожаатномасидан келиб чиқадиган  
устувор вазифалар ижросига бағишиланган  
конференция ёшлар тарбияси, замонавий  
таълим параметрлари, аҳоли саломатлигини  
муҳофаза қилишининг янгича шакллари  
борасидаги эркин фикрлар алмашинуви,  
таклиф мулоҳазалар тарзида кечди.**

## ТТАДА ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ НАВБАТДАГИ ЎН БИРИНЧИ КОНФЕРЕНЦИЯСИ БЎЛИБ ЎТДИ

Тошкент тиббиёт академияси ректори, профессор Алишер Шадманов ўз маърузасида Янги Ўзбекистоннинг бугунги замонавий қиёфаси, янги давр одамларининг эртанги кунга бўлган катта ишончи, тиббий таълим йўналиши ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишдаги янгича қарашлар, мамлакат бўйлаб амалга оширилаётган инновацион лойиҳалар хусусида гапирди.

«Мамлакат тараққиётининг замини, ҳеч шубҳасиз, илм-фан ва инновациялардир» мамлакатимиз Президенти Мурожаатномада 2021 йилда илм-фан соҳасида олийгоҳлар ва илмий ташкилотлардаги докторантлар сони 4,5 мингтага етказилиб, бу борадаги кўрсаткичлар 2017 йилга нисбатан 3 баробарга оширилишига алоҳида ургу берганди.

Конференция ишида янги тараққиёт даврининг муҳим босқичига қадам кўйган мамлакатимиз илм-фани ривожида Тошкент тиббиёт академиясидаги илмий-педагогик жараён ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлиги алоҳида таъқидланди. Тиббиёт илми салоҳиятини замонавий босқичларга олиб чиқиша академиклар, профессор-ўқитувчилар, фан номзодларининг ташаббусли ҳаракатлари нақадар зарур эканлиги айтildi. Ёшлардаги яширин иқтидорни юзага чиқарib, тиббиёт илми ва амалиётидаги малакасини ошириб бориш, мураккаб фан ва технологиялари имкониятларидан бемалол фойдалана олишдек кўнкимани ҳосил қилишининг айни пайти эканлиги таъқидланди. Керак бўлса, янги Ренесанс даври ёшлари билан биргаликда ўқиб ўрганиш, изланиш, бир-бirimiziga

елка тутиб янгиликлар яратиш зарурлиги айтилди.

Конференцияда сўзга чиқсан ўқитувчи ва профессорлар илғор халқаро амалиёт асосида доцент ва профессор илмий унвонлари, фалсафа ва фан доктори илмий даражаларини бериш ваколати эндиликада ўз йўналиши бўйича нуфузли бўлган олийгоҳларнинг илмий кенгашларига ўқазилаётганлигидан мамнунликларини билдирилар. Яқин келажакда Тошкент тиббиёт академиясида ихтинослашган кенгаш фаолиятининг йўлга кўйилиши борасидаги теран қарашлар асосидаги янги режа ва гоялар улар зими масига катта масъулият юклётганлиги таъқидланди.

Илм аввало инсониятга хизмат қилиши керак. Шу маънода, ҳукуматимизнинг ёшлар таълим ва тарбияси, барча ижтимоий-иқтисодий соҳалар қатори тиббиёт йўналишидаги илмий ишланмаларга йўналитилаётган катта имтиёз ва имкониятлар аҳоли саломатлигини асрashi баробарида тиббиётда катта фундаментал ишга айланни кетиши, муҳими узоқ йиллар давомида инсониятга хизмат қилиши учун виждан амри ва даҳлдорлик туйғуси билан ишлаб, жамиятнинг қайноқ ислоҳотлар майдонида тобланиш, одамлар орасида бўлиб, улар корига яраш барчамиз учун ҳам фарз, ҳам қарз эканлиги конференция ишининг мазмун-моҳиятини белгилаб берди. Тошкент тиббиёт академияси профессор-ўқитувчиларининг 11 конференциясида Олий Мажлис қонунчилик палатаси депутатлари ҳам иштирок этдилар. Қабул қилинажак Давлат дастури юзасидан илмий жамоаининг таклиф ва мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.



# ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ БҮЙИЧА ҚУЙИДАГИ ВАКАНТ БЎШ ИШ ЎРИНЛАРИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ: (2021 йил январь)

## **Доцент**

Даволаш факультетига қарашли “2-сон акушерлик ва гинекология” кафедраси

Тиббий профилактика факультетига қарашли “Микробиология, вирусология ва иммунология” кафедраси

## **Катта ўқитувчи**

Даволаш факультетига қарашли “1-сон факультет ва госпитал жарроҳлик” кафедраси

Тиббий профилактика факультетига қарашли “Тиббий ва биологик кимё” кафедраси

Олий маълумотли ҳамшира факультетига қарашли “Ижтимоий фанлар” кафедраси

## **Ассистент**

Даволаш факультетига қарашли “Хиургик касалликлари” кафедраси

Тиббий профилактика факультетига қарашли “Гематология, трансфузиология ва лаборатория иши” кафедраси

Тиббий профилактика факультетига қарашли “Атроф-муҳит гигиенаси” кафедраси

Малака ошириш факультетига қарашли “Травматология, ортопедия ва ҲДЖ” кафедраси

## **Эълон қилинган кундан бошлаб ҳужжатларни бир ой давомида ТТАнинг девонхона бўлимига топширилиши керак.**

**Манзилимиз: Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уи.**

## **ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИДА 2021 ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ТАЛАБАСИ ТАНЛОВИ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ:**

### **Диққат ҳурматли талабалар ва педагоглар!**

“TTA 2021 Йилнинг энг яхши талабаси” танлови бошланди!

Ҳар бир ТИЖ қатнашчиси ушбу танловда иштирок этиши ва ғолиб бўлиши мумкин!

18.02.2021 йилгача илмий ишларингизни ёки янги ғояларингизни кафедраларда тақдимот қилиш керак бўлади.

5.03.2021 йил биринчи ўрин олган талабалар кафедралараро секцияларда ўзларини инновацион ёки илмий ишлар билан ғолиблар ўртасида беллашадилар ва ғолиблар финалга йўлланма оладилар!

10.03.2021 йил “TTA Йилнинг энг

яхши талабаси” мусобақасининг финали бўлиб ўтади.

Унда финалистлар “Мен ТТА талабасиман” деган презентация тақдим этади. Финалда ғолиблар қуйидаги номинациялар бўйича аниқланади:

1. Ўз мутахассислиги бўйича йилнинг энг билимдон талабаси.

2. Йилнинг энг фаол талаба-ташаббускор.

3. Йилнинг энг яхши ғояси.

4. Йилнинг энг яхши илмий иши.

Ва энг муҳим номинация – “TTA Йилнинг энг яхши талабаси”.

Барча талабаларга қўшимча номинациялар бўйича танлов:

TTA

- “Йилнинг энг яхши сардори”.
- “Йилнинг энг яхши рационализатори”.
- “Йилнинг энг фаол блогер талабаси”.
- Йилнинг энг фаол ташаббускортаргиботчи талабаси.

Ушбу номинацияларда ғолиб чиққан талабалар Республика мусобақаларида иштирок этадилар.

Танловда иштирок этишга таклиф қиласиз!

Мурожаат учун: Иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими Жураевга Г.Т. +998977346556.

MUASSIS:  
**TOSHKENT  
TIBBIYOT  
AKADEMIYASI**

MUHARRIR  
**TURDIQUL  
BOBOMURATOV**

TAHRIR HAYATI:  
Q.Nizomov (Bosh muharrir o'rinosari),  
O.Hazratov, A.Zohidiy, D.Norgulov,  
L.Abduqodirova, M. Hasanova

Gazeta Pentium-IV  
kompyuterida sahifalandi va Toshkent Tibbiyot akademiya RISOGRAFida  
400 nusxada chop etildi.  
Manzilimiz:  
Toshkent shahri, Farobiy  
ko'chasi, 2-uy  
**Nashr uchun ma'sul**  
Q.Nizomov

Gazeta Toshkent Matbuot va axborot boshqarmasida 2007-yil 15-yanvarda 02-0049 raqam bilan ro'yxatga olingan

Mualliflar fikri tahririyat nuqati nazaridan farqlanishi mumkin. Maqolalardagi ma'lumotlar uchun mualliflar javobgardir  
Бепул тарқатилади